**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПБУЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК РЕСПУБЛИКА ТАШХИС МАРКАЗИ**

# ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

***мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция***

## МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ



**ТОШКЕНТ – 2021**

**ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК РЕСПУБЛИКА ТАШХИС МАРКАЗИ**

**“ЗАМИН” ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК ФОНДИ**

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИНГ ФАВҚУЛОДДА ЖАМҒАРМАСИ**

**“АЛЬЯНС” ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТИ**

**"DELIVERY ASSOCIATES" ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ АҚШ**

## Руҳий ривожланиши сустлашган бошланғич синф ўқувчиларини инклюзив таълимга тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари

**М.ДЕҲҚОНОВА, Чирчиқ ДПИ I-курс магистранти**

Ўзбекистонда инклюзив таълимни такомиллаштириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини шакллантириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрда “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Қонцепцияни амалга ошириш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди. 2023-2025 йилларда инклюзив таълим тизими 51 фоиз умумтаълим мактабларида жорий қилиниши белгиланган. Ушбу таълим шаклига 40 фоиз имконияти чекланган болалар жалб қилинади. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши, бежиз эмас албатта. Имконияти чекланган деб қабул қилинган болалар, уларнинг ижтимоий аҳволи, уларнинг таълим олиш масаласи ҳозирги кунда бутун дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки муаммонинг тегишли равишда ижобий ечимининг топилиши инсоният келажагини, фарзандларимизнинг фаровон турмуш кечиришининг муҳим омилларидан биридир.

Инклюзив таълим бу барча ўқувчилар, шу жумладан алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга ҳам ўз туманларидаги умумтаълим мактабларида оддий синфларда, ёшларига мувофиқ билим олиш учун керак бўлган ёрдамни олганлари ва мактаб ҳаётидаги барча жабҳаларда иштирок этишлари ҳамда ўз ҳиссаларини қўшишларини англатади. Инклюзив таълим барча ўқувчиларга-таълимда асосий эҳтиёжга муҳтож бўлган ва бўлмаганларга ҳам ижобий тарзда тарбиявий ва ижтимоий таъсир қилади. Ушбу жараёнда инклюзив таълимда ўқитувчининг касбий компетентлиги бош омил сифатида белгиланади. Ўқитувчи инклюзив тафаккурга эга бўлиши ва таълим сифати масъулиятини ўз зиммасига олиши зарур бўлади. Инклюзив таълимда ўқитувчилар барча ўқувчилар муваффақиятга эришишлари учун ўқувчиларга таълим беришда ўқитишнинг самарали йўлларини топиши, ўқитиш усулларининг муқобил вариантларини ва услубларидан, мулоқотнинг турли усул ҳамда шаклларидан,ўқув услубияти, материалларидан фойдаланишни талаб этади. Шунинг учун саҳода фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни инклюзив таълимга тайёрлаш педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказларнинг асосий вазифаси сифатида белгиланиши зарур. Шу нуқтаи назардан қуйидагиларни амалга зарур деб деб ҳисоблаймиз.

Руҳий ривожланиш сусайишининг этиологик омили сифатида М. С. Певзнер, Г. Е. Сухарева, Д. Н. Исаев, К. С. Лебединская, Л. Тарнополь, П.

Х. Вендер ва бошқаларнинг кўрсатишича, ҳомиладорликнинг бузилишлари (оғир токсикозлар, инфекциялар, интоксикация ва жароҳатлар, она ва ҳомила қонининг резус омил бўйича тўғри келмаслиги, туғма заҳм, муддатидан олдин туғилиш, асфиксия ва жароҳатлар билан туғилиш ҳамда турли оғир касалликлар) ташкил этади.

Л. Тарнополнинг кўрсатишича, руҳий ривожланиш сустлашишнинг 14% ида миянинг минимал дисфункцияси ирсий келиб чиқишга эга. Ўғил ва қиз болаларда руҳий ривожланиш сустлашишнинг учраш нисбати 1/4 ни ташкил этади. Бу ўринда турли гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш, қоннинг яқинлашиши яъни қариндошлар орасидаги никоҳ, қишлоқ хўжалигидаги турли хил дори-дармонлар ҳам салбий таъсир кўрсатади.

М. С. Певзнер руҳий ривожланиш сустлашишнинг келиб чиқишида бош мия пешона қисмининг ўз вақтида “пишиб” етилмаганлигидан деб билади. Бу фикрни И. Ф. Марковская ҳам ўз изланишларида тасдиқлайди. Бу болалар ақлий, ҳиссий жиҳатдан орқада қолиш билан бирга жисмоний жиҳатдан ҳам орқада қолиши кузатилади. Бу эса склет, мускуллар ривожланишида, боланинг вазнида, бўйида ўз аксини топади. Улар кўпинча ошқозон, ичак ва нафас олиш касалликларига мойил бўладилар. Бу тоифа болалар соғлом тенгдошларидан ривожланишда анча кеч қоладилар. Руҳий ривожланиш сустлашган болалар ўзларининг ҳам руҳий, жисмоний ривожланиш ҳусусиятлари билан ақли заифлардан фарқ қиладилар. Олигофренларнинг руҳий тараққиётида асосий ва етакчи камчилик ақлий, интеллектуал томонлар чуқур ва тикланмас даражада зарарланган бўлади.

Руҳий ривожланиш сустлашишда эса интеллектуал жараёнлар олигофренлардагидек чуқур зарарланмасдан, бирмунча юзаки зарарланган бўлиб, тикланиш характерига эга.

Руҳий ривожланиш сустлашганликда руҳий ривожланиш тезлиги, суръати секинлашган бўлади. Юқоридагилар билан бирга, руҳий ривожланиш сустлашган болаларда интеллектуал томонларга нисбатан кўпроқ, ҳиссиёт бузилишлари етакчи ўринда туради. Бу бузилишлар руҳий ёки жисмоний инфантилизм кўринишларида намоён бўлади. Инфантилизм-том маънодаги “болаликдир”, боланинг умумий қилиқлари, қизиқишлари ўз ёшига мос бўлмай, балки, бирмунча ёш болаларни эслатса, биз бундай болаларга нисбатан, психо-физик инфантилизм иборасини қўллаймиз. Масалан, бола 7 ёшга кириб, мактабга бориш муддати келган бўлса-да, бола ўзини 5 ёшли боладек тутади. Унда жонли, ўзидан ёш болалардагидек қизиқишлар бўлади. Агар бола яна бирор йил тараққиёт этса, ўз тенгдошларига ўхшаб кетиши мумкин.

Inklyuziv ta'lim jarayonida pedagog, psixolog va
sinf rahbarining vazifalari
**Z.DEXQONOVA, ..........................................................................87**
Руҳий ривожланиши сустлашган бошланғич синф ўқувчиларини инклюзив таълимга тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари
**М.ДЕҲҚОНОВА .........................................................................94**
Inklyuziv ta'lim samaradorligini oshirishda kadrlarga
qo'yiladigan talablar mazmuni
**S.DJURAYEVA, B.BOBOMURODOVA....................................................96**
Eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarga ta'lim-tarbiyaning roli
**A. JUMAYEV ..........................................................................98**
Кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларни инклюзив таълимга тайёрлашда
коррекцион машғулотларнинг аҳамияти
**З.ЖУРАЕВА, Ш.ИБАДУЛЛАЕВА ..........................................................102**
Уйда якка тартибдаги таълимга жалб этилган болаларни инклюзив
муҳитга жалб этиш масалалари
**М.ЖЎРАХЎЖАЕВ .........................................................................104**
Таълим кластери компонентлари ўртасида ўзаро манфаатли толерант
муносабатлар асосида инклюзив таълим самарадорлигини ошириш
**Ш. ИБАДУЛЛАЕВА ......................................................................107**
Инклюзив таълим тизимида иқтидорли болаларни ўқитиш масалалари
**М.ИБРАГИМОВ ..........................................................................109**
Позиция семьи и общественности в процессе инклюзивногообразования
**М. ИБРАГИМОВА.........................................................................111**
Инклюзив таълим жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга
йўналтиришнинг моҳияти
**Ф. ИНОГАМОВА, Ф. МУНАВВАРОВА .....................................................115**
Ихтисослаштирилган давлат таьлим муассасаларида тарбиявий ишларни самарали ташкил этиш орқали ўқувчиларни инклюзив таълимга тайёрлаш
**Н.КЕНЖАЕВ ............................................................................117**
Приемы организации уроков географии для детей с ограниченными возможностями здоровья. инклюзивное образование
**Ш.КУРБАНОВА, Л.КАРШИБАЕВА, Н.МИСИРОВА .........................................120**
Inklyuziv ta'limga jalb etilgan bolalarni rasm chizdirish orqali ruhiyatini
o'rganish va tarbiyalash
**D.QAXXAROVA, T.VAYITOVA.............................................................124**